



Коммунистик Шимолий Кореянинг асосчиси ва яна бир диктатор. Тоталитар жамият қурилиши унга 2 миллион инсоннинг ҳаётига тушган. Ким Ир Сен Корея давлат идеологияси — чучхе асосчиси. Корея Меҳнат партиясининг Бош қотиби. Унинг расмий унвони — «Буюк етакчи дўст Ким Ир Сен». Вафотидан сўнг у «Кореянинг абадий президенти» деб эълон қилинган.

Унинг биографияси кўплаб афсоналар ва ривоятлар билан қопланган бўлиб, ҳақиқатни уйдирмадан ажратиш қийин. У тугилган пайтда осмонда икки қаватли қамалак ва ёрқин юлдуз пайдо бўлган, деган гаплар бор. 1994 йил 8 июлда юрак хуружидан вафоти уч кунлик мотамга сабаб бўлган. «Абадий президент» учун махсус мавзолей қурилган бўлиб, у Ленин мавзолеини эслатади.

Унинг бошқаруви даврида ҳудди шундай шахсга сизгиниш режими ўрнатилган. Унга нисбатан берилган унвонлар орасида шулар бор: Партиянинг маркази, Ватанни бирлаштириш қафолати, Халқ отаси, XXI асрнинг йўл кўрсатувчи юлдузи, Севимли етакчи, Миллат қуёши, Чучхенинг ёрқин қуёши ва бошқалар. Кореяларнинг Ким Ир Сенга бўлган ҳурмати диний эътиқодга тенглаштирилади.

Абу Муслим